



СССР ҶУМҲУРИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон СССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • 20 февраль 1974 йил чоршанба • № 43 (15.823) • Баҳоси 2 тийил.



МУСОБАҚАНИНГ КУЧИ — ОММАВИЙЛИКДА

ЗАРБДОР МЕҲНАТ МУКОФОТ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мажлислари 19 февраль, Ўзбекистон СССРга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутунитифоқ касабасоюзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқларнинг тошқинли муносабати билан бу ерда ўтказилган республика актив йиғилишига республика саноати ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг, колхозлар ва совхозларнинг, илмий тадқиқот ва лоиҳалаш ташкилотларининг раҳбарлари, партия, совет, касабасоюз, комсомол ходимлари тўпланишди.

Республика саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари 1973 йилги ҳақ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилган Бутунитифоқ социалистик мусобақасида талаба қозонганликларини учун, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари 1973 йилда пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун ўтказилган Бутунитифоқ социалистик мусобақасида талабага эришганликлари учун шу мукофотларга сазовор бўлдилар. Ўзбекистон заводлари ва фабрикаларининг коллективлари саноат ишлаб чиқаришининг уч йиллик планини муддатидан бир ярим ой олдин тўғатилган. Йиллик планни эса, 24 декабрда бажаришдан, программалардан ташқари қариб 280 миллион сумлик маҳсулот реализация қилдилар. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 1972 йилдаги нисбатан планда қўзда тутилган 5,7 процент ўрнига 7,2 процент кўпайди.

Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари давлатга дон, шол, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, қанапо, пилла, гўшт, сўт, туҳум, жун сотиш планларини ва социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар.

Пахтакорлар гектар бошига 29,2 центнердан мисли қўрилмаган ҳосил етиштириб, жуда катта муваффақиятга эришдилар. Улар 4 миллион 908 минг тонна ёки ҳақ хўжалик планиданга нисбатан 463 минг тонна кўп пахта етиштирдилар ва давлатга сотдилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини комплекс механизациялаштириш йўлида олта томон янги қадам қўйилди.

Таъналли йиғилишнинг КПСС Марказий Комитетининг Сийосий Бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов оқди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сийосий Бюроси мажлиси ахлининг қараскари остида фахрий президиумга сайланди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Э. Димитрий Ватанин юксак мукофотларини — Қизил байроқларини республикага тошқин қилди. У КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан республиканинг барча меҳнатчиларини меҳнатда эришган муваффақиятлар билан қизгин муборакбод қилиб, уларга бахт-саодат ҳамда коммунизм таштаси учун кўрашда янги зафарлар тилади.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг Сийосий Бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «Ўзбекистоннинг «Узбекхимваз» заводининг директори А. В. Карамов, Сирдарё вилояти Илчи районидаги Г. Титов номи совхоз механизатори Қ. Абдураҳмонов, Жиззах вилояти Мирзачўк районидаги 22-совхоз директори И. Охуннова, Тошкентдаги 4-автотранс паркиннинг шофери, Социалистик Меҳнат Қўрамоли С. Каримов, «Таштаси» заводига қарашли 44-хўжалиқ бошқармасининг бўғичиси В. А. Емцова, Ўзбекистон СССР Фанлар академияси ўқимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институтининг директори А. А. Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон эконоимаси ва маданиятини янгиликни тўғрисида қилинган таъриқлар учун, Совет Ўзбекистони ҳақамон ишчилар синфининг, қонли қолдони деҳқонларининг, зиёлиларининг, барча меҳнатчиларининг жонбозлиги билан қилган меҳнатига берилган юксак баҳо учун жонажон партияга, Совет ҳукумати ва кўнгилдан ташаккур айтдилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ҳақ хўжалик планларини муддатидан аввал бажариш учун, КПСС XXIV съездин қарорларини амалга ошириш учун аниқ олиб кетган Бутунитифоқ социалистик мусобақаси жуда яхши самаралар берганлигини маъмурий билан айтиб ўтидилар. Шу билан бирга улар республикага берилган бу мукофотлар катта сафарбар эътибори билан ўйналганлигини таъкидладилар. Бу мукофотлар таъин ҳам самаралироқ, фидокорлик билан, жонбозлик билан меҳнат қилиш мажбуриятини юқлайди. Беш йилликнинг тўртинчи, белгиланчи йилда саноатда ҳам, қишлоқда ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам янги марраларни қўлга киритишимиз керак. Бунинг учун еса диққат ва эътиборини меҳнат уюмдорлигини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалигини интенсификациялаштиришга қаратилишимиз лозим. 1974 йил республика учун алоҳида йил бўлади. Бу йил Ўзбекистон СССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг элчи йиллиги нишонланади. Шу сабаб юбилей йилни меҳнатда янги шолди қалабалар билан, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янги муваффақиятлар билан нишонламоқ учун ҳамма чораларни кўриш зарур.

Йиғилиш ахли баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетининг таъриқнома йўқлади. Бу таъриқнома текстини Ўзбекистон СССР Министрлар Советининг Раиси Н. Н. Худойбердиев ўқиб берди.

Йиғилишда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, С. Е. Белонжко, В. Г. Ломоносов, М. М. Мухомов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Махмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдуллаев, Ўзбекистон СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаев, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиедудлаев, И. В. Маринков, М. Т. Турсун, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎЗАТА).



Тошкент агрегат заводи коллектив пахта териш машиналари учун кўплаб махсус мосламалар тайёрлаб берилди. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланган корхона ишчилари 93 зинамалари, 60 оширилган мажбуриятлар юлиб ишлашда. Суратда: илғор шотла ёрувчи А. Абдуллаев. Минус иш устид. У қурилиш тошқинларини мунтазам ошириб бажариб нуқул аъло сифатли махсулот тошқирлади.

И. Глауберзон фотоси.

МЕХАНИЗАТОРЛАР САФИГА

«Ўзсельхозтехника» райони бирлашмалари ҳузурида, колхоз ва совхозларда ташкил қилинган «тўрт ойлик курсларда» тириб чиқилган ёш тракторчиларнинг ўқиши бошланди. Ўқини тракторини, тиркаладиган қурол-асбоблар ва бошқа механизмларни ўрганишни, слесарлик ишнинг ағдалини кўзда тутувчи программа асосида олиб боришда, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, таъриқли механикаторлар курсантлар учун лекция ўқидилар.

Ёшлар ўқинида кейини ўсталоқларда техникани ремонтдан чиқариш, уни дала ишларига тайёрлаш, шунингдек ер ҳайдаш, чигит экиш ва ғўзаларин парварши қилиш ишида амалий малака ортирадилар.

Бу курсларда кўклар фаслига қарийб олти минг тракторчини тайёрлаш мўжжаллаб қўйилди. (ЎЗАТА).

ЭНГ ЯХШИ ЎРМОН ХЎЖАЛИКЛАРИГА

Ўзбекистон СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касабасоюзлари республика Совети республика ўрмон хўжаликлари коллективларининг 1973 йилнинг йилнинг янги учини зинамаларига олган социалистик мажбуриятларини бажаришда социалистик мусобақа якуларини қараб чиқдилар.

Республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касабасоюзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи Ўзбекистон ўрмон хўжалиги коллективлари берилди. Бу коллектив кўчма экиш, ўрмонзорлар барпо этиш, маҳсулот реализация қилиш ҳажми, бойлаб олиш, капитал маблағларини ўзлаштириш юзасидан зинамаларга олган социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажарилишига эришган. Байроқ Наманган ўрмон хўжалигидан олиб берилди.

Иккинчи гул мукофоти Самарқанд ўрмон хўжалиги коллективига берилди. (ЎЗАТА).

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Пахтачилик — деҳқончиликнинг етакчи ва асосий тармоғи. Колхозимиз 2 минг гектар пахта майдонига эга. Беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида планда белгиланган 21 минг тонна ўрнига 26 минг тоннага яқин пахта етиштирилди ва давлатга топширилди. 1972 йилда ҳар гектар майдондан 40 центнердан, ўтган йили эса 41,8 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Етиштирилган ҳосилнинг яримдан кўпроги машиналар билан терилганлиги, пахтачиликни механизациялаш даражаси ва меҳнат уюмдорлиги ошганлиги туфайли ҳар центнер пахтанинг танниси 1972 йилда 36 сум 80 тийиндан ўтган йили 34 сумга тушди. Коллектив механизациялашган бригадаларда эса бу кўрсаткич 22-24 сумни ташкил этди.

Пахтачилар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам комплекс ривожланиб бормоқда.

Чорвачилик хўжалигининг ренг табели тармоғига айланган. Махсулот етиштириш планлари ҳар йили ортиши билан бажарилиб, махсулотларнинг танниси эса эришланишди.

Фермадаги иш жараёнларини механизациялаш даражаси ошганлиги, махсулотларнинг танниси камайтирилганлиги туфайли чорвачиликдан 107 минг сум ссф. фойда олинди. Беда, макмажхори, оққўхори ва бошқа озуқабол экинлар қисқига чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратилди.

Колхозимизда деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма соҳалари даромад манбаига айланган. Сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари етиштиришдан ҳам фойда ўрнатилади. Балчиликнинг, телпачи хўжалигини, қулоқчилик ва чинни чевалари ҳам умумий даромадга қисса қўшмоқда.

Бизнинг колхозимизда пахтачиликнинг илмий лабораториясига, илғор тажриба мактабига ўхшатадилар. Бунинг боиси бор: пахтакорларнинг мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги кўп йиллик тажрибаларини тинмай бойитмоқдалар. Пахтачилик агротехникасини тақомиллаштиришмоқдалар. Биз кўйда пахта ҳосилдорлигини оширишни таъминлаган асосий омиллар, энг муҳим, агротехника тадбирлари тўғрисида қисқача тўхталиш, ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқчимиз.

Хоразм шариатидаги деҳқончиликда ирригация ва мелiorация

ция муҳим ўрин тутди. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш, механизациялаш ва химиялаштиришнинг самарадорлиги, пахтачиликни интенсификация қилиш жиддатдан янги су билмига болғилар. Ирригация-мелиорация тадбирларини кенг қўлланадиган алоҳида ошқир натижаларда минераллашган сизот сувлар сатхи кескин пасайди, лекин шунда ҳам ерларнинг шўрини юмасдан туриб мўл ҳосил етиштириб бўлмайди.

Шўр ювиш ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашнинг зарур усули ҳисобланади. Шўр ювиш оқидан дала яхшилаб кесиланади, карта атрофида 40-50 сантиметр баландликда марзалар ҳосил қилинади ва кичик повлаларга бўлинади, бир неча повлалар суз берадилар, муваққат ўқарилар олинади, мажмуа заворлар тозаланади ва зарур ҳолларда қўшмича заворлар қозилади.

Устки қатламдаги туپроқ очик қизғиш рангга қирмағунча ва туپроқ бўлиб бўлмағунча шўр ювиш давом этарадилар. 2-3 марта шўр ювилгандан кейин ер қорамтир рангга қирса ва юзаси юқла туз пардаси билан қоплана, шўр ювиш яна тақорланади. Бу ҳолда сизот сувларини пасайтириш чоралари қўйилади.

Туфроқ етишганидан сўнг борона тиркалаган ва чим қирқадиган плуг билан ерни 30-35 сантиметр қучқурилади, ағдариб ҳайдаймиз. Чим қирқадиган плуг билан ер ҳайдаш бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўймайди, туфроқни майинлаштирилади. Ҳайдалган ерларда туфроқнинг ҳолатига қараб боро-наш, чизеллаш, молалаш табақлаштириб ўтказилади. Бунда ер юзаси текисланишига, кесалар майдонлашига, туфроқнинг эмиграция алоҳида эътибор берилди.

Чигит экишни мумкин қадар қисқа муддатда ўтказишнинг аҳамияти катта. Бу билан ғўзаларнинг ривожланиши, пахтачининг

ишичи тезлашади. Чигитнинг тегишли қучқуриққа тушиши, тула гектарлар таъминланиши, қатқалоқни йўқотиш ва ғўза қоплагини саклаб қолдиш ҳосилнинг тақдирини ҳал қилади. Экин тулаленган, таъриқли пахтакорлар ва мутахассислар чигитнинг беҳато униб чиқишини ва униб чиққан ўсимликнинг ҳолатини кузатиб боришади, ола қўраган ерларга қўшмича уруғ қозилади.

Чигит униб чиқиши биланқот қатор ораларини култивация қилиш бошлаб юборилади.

Яғналаш — жуда муҳим агро-техника тадбирларидан бири, Бу тадбир барвақт ўтказилса, ўсимлик бақувват бўлади, ҳосил шоклари эртароқ ўсади ва ғўза тезроқ ривожланади. Биз қатор ораси 60 сантиметрлик схема билан экинган майдонларда туфроқ шариоғига қараб бир метр жойда 6-7 тул, 90 сантиметрлик схема билан чигит экилган майдонларда эса бир метр жойда 8-10 тул ўсимлик қолдирамиз. Шу тариқа бир гектар майдонда 100-110 минг тул қўчат бўлиши таъминланади.

Вегетация даврида ғўзани суғоришни тўғрй ташкил этишга эътибор берилми. Ўсимликнинг илдиз системаси маълум даражада ривожланиб, биринчи суғориш ўтказилади. Ер етилиши биланқот қатор оралари култивация қилинади, туфроқ доим юмшоқ ҳолда сакланади.

Ернинг шариоғига қараб 200 метрдан 300 метргача узунликда эгтарлар олинади. ғўзани бир текис суғга қондиришга ҳаракат қиламиз. Суғоришда сифон найчалардан фойдаланилади. Биз ўғитини ерга суз ердимида солиш усули — шариоғат оқишини кенг қўлланамиз. Бунинг учун карт бошдада чуқур қазилб, унга бир неча тонна маҳаллий ўғит солинади ва суз билан аралаштирилади. Ўғит билан аралашган суз эгтарларга таралади.

Колхозимиз пахтакорлари, механизаторлари ва мутахассислари қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши курашиш, бунинг учун химиявий дориворлардан самарали фойдаланиш йўлини пухта ўрганиб олдилар.

Деҳқончилик агротехникаси бир жойда қотиб қолмаган иш эмас. Биз бу ишга иқодий иш деб қараб, уни фан ва тажриба уйғунлигида тақомиллаштириб борамиз.

Колхозимиз коммунистлари ва барча меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини қўтариш руҳ билан кутиб олдилар. Мурожаатга жавобан беш йилликнинг тўртинчи, белгиланчи йил марраларини ишлаб чиқдик.

Бу йил пахта ҳосилдорлигини колхоз бўйича 47 центнерга етказамиз. Илғор бригадалар 70-80 центнерлик марзани эгалашга қатъий бел боғладилар. Хўжаликмида сабзавот, мева, узум, полиз махсулотлари етиштириш ўтган йилдаги нисбатан қариб бир ярим беравар кўпайтирилди.

Чорведорларимизнинг режалари ҳам улкан. Бу йил 370 тонна гўшт, 1500 тонна сўт етиштириш, барча турдаги махсулотларни аниқ кўпайтириш, қишлоқни намунали ўтказиш учун ҳамма тадбирлар қўйилди.

Коллектив хўжалик эконоимаси қилгандаги равақ топётганлиги қишлоқни шаҳар тилида қайта қуриш учун моддий замин вужудга келтирди. 1973 йилги умумий даромад 4 миллион 780 минг сумни ташкил этди. Даромаднинг катта қисми колхозчиларнинг меҳнат ҳақи учун ажратилди, қишлоқ қурилишига сарфланадиган маблағ ҳам кўпаяди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида колхозимизда комплекс таркибат қўйилган дала қадимлар билан олға бораётди. Партиянинг чакирқидан бениҳоз илҳомланган қишлоқ меҳнаткашлари республикамиз олтин тўйини муносиқ соғлавар билан кутиб олади.

И. ДУСОВ — Социалистик Меҳнат Қўрамоли, колхоз раиси, Н. МАШАРИПОВ — партия комитетининг секретари, Қ. ХУДОЙБЕРГАНОВ — колхоз агрономи, Ж. МАВЛОНОВ — бош зоотехник, Ю. ҚОБУЛОВ — эконоимас.

Богот районидаги Нариманов номи колхоз.

ТЕХНИКА БАҲОРГА ШАЙ

«Ўзсельхозтехника» Фарғона вилояти бирлашмасининг усталоқ, наларидан ҳар уни йигирмата трактор, экинларни парварши қилишда ишлатиладиган бир неча унлаб агрегат ремонтдан чиқмоқда.

Тошқоқ ва Ўзбекистон районларининг механизаторлари техника ремонтини яхши олиб бормоқдалар. Бу ерда трактор паркиннинг саманга тўқсон процентини завар қолга келтириб қўйилди. «Ўзсельхозтехника» Олтириқ ва Бувайда районлари бирлашмалари усталоқ, наларидан экин: техникаси, ремонтни графикадан ўзиб бажаришмоқда. Бир қанча усталоқларда ишдан чиққан деталларни қайта тиклайдиган цехлар ташкил этилган, барча районларда техникани айирбошлаш пунктлари очилган.

(ЎЗАТА).

А. Н. КОСИГИН ЧЕХОСЛОВАКИЯ ВА РУМИНИЯНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДАГИ ЭЛЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 19 февральда Кремлда Чехословакия Социалистик Республикасининг СССРдаги элчиси Я. Гавелкини қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат савимий, дўстона вазиятда ўтди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин шу кунлик Руминия Социалистик Республикасининг СССРдаги элчиси Г. Бадрусини қабул қилди. Икки ўртада бўлган суҳбат савимий, дўстона вазиятда ўтди.

А. Н. КОСИГИН ВХР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 19 февральда Кремлда Венгрия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрининг давлат секретари Я. Марьяни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат савимий, дўстона вазиятда ўтди.

«КПСС ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА» Л. И. БРЕЖНЕВ МАҚОЛАЛАРИ ВА НУТҚЛАРИ ТЎПЛАМИ

СОФИЯ, 18 февраль. (ТАСС). Болгария Компартиясининг нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев мақолалари ва нутқлари тўпламини «КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида» деган ном билан болгар тилида босмадан чиқарди.

Л. И. Брежневнинг иттибодидейлади кириш сўзида, КПСС ташқи сиёсат фаолиятининг энг муҳим стратегия йўналишига — илҳом социализм системаси позицияларини мустаҳкамлашга, мамлакатлари ўртасида ҳар томонлама қардошларча алоқаларни, дўстлиқни ва ҳамкорликни ривожлантириш учун қўлашга тўла-тўқис ҳаракатларни қилишга, халқаро коммунистнинг ва ишчилар ҳаракати бирлигини, барча революцион, демократик ва тинчликсевар кучлар бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида, жаҳон антиимпериалистик фронтини жишлантириш борасида КПССнинг ҳормай-толмай куч-гайрат сарфлаётганлиги алоҳида эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитетининг, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг ва

бошқа қардош коммунистик партияларнинг сўғити йилларда бўлиб ўтган пленумлари КПССнинг актив ташқи сиёсат йўлига юксак баҳо бериб, планетамизда мустаҳкам ва ўзоқ давом этадиган тинчликни таъминлаш учун курашга Л. И. Брежнев шахсан катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари халқаро муносабатлар соҳасида кенг ва афғорлича иш олиб бормоқда. КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда унинг шахсий ҳизматлари каттадир. Л. И. Брежнев замонасининг энг йирик сиёсий арбобларидан бири сифатида, тинчлик ва дўстлик учун, халқаро сиёсий йилминим юмшатиш учун ташланган курашчи сифатида бутун ер юзидашуқурди.

Л. И. Брежневнинг мақолалари ва нутқлари тўпламини унинг кириш сўзида КПСС ва Совет давлати ленинча сиёсатининг назарий ва амалий принципларини алоҳида эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитетининг, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг ва

ЛИТВА КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ВИЛЬНЮС, 18 февраль. (ТАСС). Литва Компартияси Марказий Комитетининг бүгун бўлиб ўтган пленуми ташқилик масалани кўриб чиқди.

Пленум шу вақтгача Виль-

нюс шаҳар партия комитетининг биринчи секретари вазифасида ишлаб келган П. П. Гришкявичуси Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОН К. КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Қурулди кучлари сафларида кўп йиллар, Бенуқсон хизмат қилганлиги ҳамда республика меҳнаткашларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида катта ҳизматлари учун

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛТОВА.

1974 йил, 19 февраль. Тошкент шаҳри.

Мукофотни Қашқадарё об-
ласть партия комитетининг би-
ринчи секретари Р. Ғойибов
тошқирди. (ЎзТАҒ).



лар тасдиқланди. Ҳақиқатан,
Мамаюнов ўз вазифасини суи-
теъомол қилган. 259 та дархаст
ассосиз равишда нестирган.
Сотдириб, юборган. Нағнажа да
патга 525 сум зарар етган.

Тегишсир натижаси Ўзбеки-
тон ССР Министрлар Советининг
Ўрмон ҳўжалиғи давлат комитети
да муҳомама қилинди. Гафрий-
нуний ҳўтти-ҳўраят қилганли-
гичун А. Мамаюнов вазифасидан
бўшатилди ва давлатга етнэз-
зарарин тўлади.

ЕР ТАНЛАМАС ЎСИМЛИК

ТАБИАТ ҲАҚИДА СУҲБАТ

кин. У «Ҳаётнинг учинчи йили» суретларидан эрларда, табиий ўтлардан эса бешинчи йили гуллайди.



Каррак етиштириш арготехни...

каси жуда осон. Ноябрь, декабрь ойларида мукор ҳаёлидан эрта бир марта бороналаб экилган каррак уруғи март ойининг биринчи декадасида униб чиқади.

Бу ўсимлик Нурота райони шариотда гулламасдан олдин май, июнь ойлариде янгиштириб олинатганига сабабли яйловларимизда келмаб бормоқда. Каррак уруғларини олиш учун унинг дастларни бир жойга тўплаб, экинчи трактор билан экинчида. Сунг пашама билан шомолда суворилб, галларда элиб тозаланади. Юз түп карракдан икки килограмм уруғ олинади. Бир гектар эрга бир килограмм уруғ сепилади.

булимдаги қорамолчилик фермасида янгирма бош жайларда буқа тўқсон кун давомиде каррак талқон ва шрот билан қилганда (овқатнинг асосий қисмини каррак талқонни ташкил этди) таърибга қўйилган моллар бир кеча-кундузда олти юз-етти юз грамм смирған.

Карракнинг маданийлаштирилган бошқа ўсимликлари нисбатан (масалан, махсар, изен, терексига, нисбатан) устунлиги маълум бўлди. Бу ўсимлик таркибиде 10,2 процент протеин, 9,8 процент оксил, 9 процент ёғ, 47 процент азотсиз экстракт моддалар ва 7 процент кул бор.

центердан ҳосил янгиштириб олиш мумкин. Каррак кўпгина ажойиб ҳусусиятларга эга. Абу Али ибн Сино унинг «Тиб қонунлари» китобида меъда касалликларини даволашда карракнинг кўк поиси ва илдизини қайнатиб ичишни тавсия этади. Карракзорлар асаларилар учун бол янги манбаи ҳисобланади. Чунки карракнинг битта гулида 0,5 миллиграмм нектар бўлади. Унинг илдиз бўғизиде саккиз процент қанчқу бор. Махаллий ҳоли ўсимлик илдизидеги смолани ажратиб олиб, сақиб қилиб қайнайди.

Бу ўсимлиkning ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, у маданийлаштирилган бошқа ўсимликлари нисбатан кўп ҳосил беради. Ер танламайди, парвариш талаб қилмайди. Ривожланиш учун унга ернинг табиий нами kifойа. Карракнинг қорамолчиликни ривожлантиришдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги, министрилиги оласть ташкилотлари билан биргаликда бу ўсимликин экиб қўйатириш тадбирларини белгиласа, фойдали бўлар эди.

И. ХУДОБЕРДИЕВ, ТошДУ аспиранти.

ОЗАРБАЙЖОН ССР БЎЙЛАБ

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Сифат белгиси берилди

Мингчаур шахридаги «Азеркабель» заводининг икки хил маҳсулотига давлат сифат белгиси берилди. «Азеркабель» заводининг ишчилари ва мутахассислари беш йилнинг бондоқ маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан беш дангиса курашга қўшилган эди. Ишлаб чиқариш жараёнининг автоматлаштириш, янги техника ва технологияни жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш соҳасида кўпгина ишлар қилинди.

Шунингдек, бондуки 1. пойфазал фабрикасининг 7 хил маҳсулотига ҳам давлат сифат белгиси берилди. Ҳозир фабрика маҳсулоти аҳли сифат белгиси билан 17 моделда пойфазал ишлаб чиқарилади. Бу йил янги моделдаги 200 минг жуфт пойфазал савдо ташинлот ларига чиқарилади.

Сув келди

Жабраил аҳолиси учун 13 километри табиғий водопровод ўрнатилди, сув келтирилди. Натигада район маркази аҳолиси ичимлик сув билан тўла таъминланди. Янги сув трассасида олиб борилган ишларни Фузулий қурилиш бошқармаси 4. механизациялашган кўлма колоннасининг қурувчи лар бригадаси эмалга оширди.

Шамхор районидеги Рустам Алиев номли колхозда ҳам водопровод қурилиш жадал сурыат билан олиб борилаётир.

Металлургия маскани

В. И. Ленин номидаги Озарбайжон трубопровод заводининг 49. ГПТУсида бўлиб металлургиялардан 540 таси ўқимокда. Янгида мақтаб янги биного кўчиб ўтди. Кенг, ёруғ сифт хоналари турт қаватли биного жойлашган. Буламак металлургияга устаконалар, спорт комплекси ва ошхона ҳам қуриб берилди.

Раҳмат, қурувчилар

Янгида Астарда 150 кишига муъжалланган янги шаҳар касалхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ердаги кабинетлар ва лабораториялар янги жиҳозланган. Беморларга 60 малакали медицина ходими хизмат кўрсатмоқда.

36. механизациялашган кўлма колонна қурувчилари коллективига минг бор раҳмат айтса арзийди. Биноюрлар тез ва саз қуришда алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

«Зангори олов» — хонадонларга

Район меҳнаткашлари анча йиллардан бери табиий газдан баҳраманд. Салъянинг ўзидеги 1.380 хонадоннинг уйида, 70 дан ортиқ корхонада, кўпгина ташкилот ва муассасаларда «зангори олов»дан кенг фойдаланишмоқда. Газопровод трассаси кўпгина кишиларга ҳам етиб келди. В. И. Ленин номи колхоз маркази ва дала шийонлари, «СССР 50 йиллиги» совхоз ва бошқа кўпгина хўжаликлар ҳам табиий газдан кенг фойдаланаётирлар.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ ЕЛИМСИЗ... ЕЛИМЛАШ

Кўкун пойфазал фабрикасида болалар ва қизлар пойфазали тайёрланадиган янги конвейерда 35 та автоматлашган агрегат бўлади. Ана шу конвейерда тановорини қолдириб (туфли тайёрлашдаги асосий операция) елим усули билан бўлсада... елимсиз бажарилади. Эритилган ҳолда тағирларга тушириладиган тез қотувчи термoplastмасса бемалол елим ўрнини босади. Мамакатимизда биринчи бор жорий этилган ана шу янгилик пойфазални гоятда пишиқ ва кўркам қилиб чиқаради. Янги маҳалда технологиядан қурилувчи кўпол агрегат чиқариб ташилган, унинг ўрнига дастакни иссиқ ҳолда олдиндан қолдирладиган автоматлар ва иссиқ-намлик агрегати қўйилди.

Янги ускуналар ҳозир монтаж қилиняпти. Уни СССР билан Чехословакия машинасозлари ижодий ҳамдўстлиқда яратдилар. Янги конвейер йилига 420 минг жуфт пойфазал тайёрлаб чиқаради. Конвейер республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги юбилейи арафасида ишга тушади.

В. ТАТАРИНОВ,

НЕФТЬ КОНЛАРИГА АВТОМАТЛАР

Бутуниттифок «Союзнефтеавтоматика» бирлашмасининг Андижон махсус конструкторлик бюроси инженерлари беш йилликнинг туртинчи йилида мамлакатнинг нефть қазувчилари учун сериунум асбоблар исоб бердилар.

Шу асбоблардан бири — параллел жараёнининг гоятда мақбул равишда олиб борилиши учун кизмат қилувчи кўлма лабораториядир. Бу лаборатория датчиклар, махсус асбоблар ва қисоблаш машиналари ердами билан қудуқ параметрларини бир лаҳзада аниқлашга, кавлаш, меҳнатни ташкил этиш, бургу снрлардаги танлаш каби ишларни қандай олиб бориш кераклигига тавсиялар айтиб беради. Март ойидабқ шу қурилманинг таърибга нусхаси снвга туширилиши лозим, октябрда эса яна битта кўлма лаборатория ишлай бошлайди. Экономистлар янгилик кавлаш таннархини арзонлаштиришга ва ҳар бир қудуқни қазмишда юз минг сумгача пулни тежашга имкон беради, демоқдалар.

Магистралдаги сувоқлик оқими ўзгаришининг сигналларини — бошқа бир янгиликдир. Ҳозир диспетчер қудуқдаги нефть оқими камайганини, тўриқсиздаб маълумотни воқеа содир бўлгандан бир сутка ўтгандан кейингиде била олади. Янги асбоб эса шуни бир неча дақиқда билишга имкон бериб, чиқабган нефть расаматини келтириш вақтини тежайди. Шу йиллик бундай сигналзорлар Андижондан мамлакатнинг неча ўнлаб нефть конларига юборилади.

М. КОШЕВАТСКИЙ, [ЎТАТ].

МИРЗАЧЎЛДА СОЮЗНИХИ ФИНАЛИ

Бутуниттифок пахтачилиги ил. ги технологиясини устиде иш олиб мий. тайидот институти Мирзачўлда ўз филиалини ташкил қилган. Қарий ўн минг гектар ери бўлган «Пахтакор» совхоз бу филиалнинг экспериментал базиси бўлади. Олти лаборатория, Мирзачўлда ва Жиззах даштида муъ пахта ҳосили етиштирилиши ян.



Швециянинг Фалун шахрида чағи спорт буйича жаҳон чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Совет чағичиларида Галина Кулакова (юқуридан биринчи сурат) беш километрга чағида учини бўйича маррага биринчи келиб, жаҳон чемпиони, номига сазовор бўлди. Раиса Сметанина (иккинчи сурат) бронза медали совриндори бўлди. Қолган суратларда мусобақа иштирокчиларидан Нина Селюнина, Алевтина Олюнина, Нина Балдичева ва Зинаида Амосовалар.

ТАСС фотохроникаси.

АХЛОҚ МАВЗУИДА

ОЛАНДА ЯХШИЛАР КЎП

Доншмандлар яқинда эътироф қилганларидек, мавжуд борлиқнинг энг ноб мулки — бу ҳазрати инсондир. Аиниқса, бизнинг совет замонасида инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан юксак қўйилади. Коммунистик жамият кишининг ахлоқ кодексиде олтин ҳарф билан қайд этилганидек, бизда киши-кишига дўст, ўртоқ ва биродардир. Бунга ажойиб турмушимиздан сон-саноксиз мисоллар келтиришимиз мумкин.

Мен сизларга ўзим билан ва аштинга ала шундай бир исча олинкабод одамлар ҳақида сузлаб бермоқчиман. Сурхондарё областининг Янгиобод посёласида София Айитова деган бир оқила аёл ишайди. Бу онахонинг сочлари пахтадек оқ, қалби ҳам. София она узоқ йиллардан бери мактабда муаллима бўлиб ишлайди. Ешавлодини коммунистик руҳда тарбиялашда бор билими, куч-таъриятини сағиналаб келмоқда.

Қуларнинг бирида муаллим Талъат Язаревнинг бошига оғир кулфат тушди. У бахтсиз тасодиф туфайли мажруҳ бўлиб қолди. Ана шу паллада Талъатнинг бирдан-бир умиди умр йўлдоши Фағима Зайнуллинадан эди. Минг афсуски, умидлари пучта чинди.

Ногирон эрни нима қилмади. Фағиманинг янати ўзгарган эди.

Аёл арзimas нарсаларни вақ қилиб, эрини ҳўрлар, очнаҳор қолдириб, қўнғилининг кўчасига кетаверди. Бундай аччиқ ҳақиқатдан хабар топан София Айитова нажот излаб қўзлар йўлга термулиб қолган бир нисонга кўмак бериш учун ошнқди. Талъат ўз зингаридек меҳрибон София онахонинг уйида истикомат қила бошлади.

Инсонпарвар давлатимиз Талъат Язаревга катта ёрдам берди. Ой сари нафақа ола бошлади. «Янгиобод» совхози территориясида барпо этилган

шинам уйлардан бири унга тақдим этилди. Узоғи яқин бўлсин, деб енгил машина берилди.

Меҳри дарё одамлар-чи? Улар ҳам Талъатни бир нафас унуттирмади. София она қаторига бошқалар қўшилди. Бир кун Талъатнинг ҳўзурига «Баҳор» кафеси хизматчиси Иранда Бутарова кириб келди: — Ассалому алайкум, Талъат! Ога, соғлигингиз яхшими? Сизга қарашиб тургани келдими? — Раҳмат!

Қизалор ҳар кун беморнинг уй-ноинин суғуриб-сидирар, ошхонадан нисқ таомлар келтириб беради.

— Яша, синглим, бахтли бўл. — Талъат мингтадирчилик билдирди.

Тошбағир аёл Фағима Зайнуллина бўлса, но пиллар билан турмуш қурган умр йўлдошига йўлдошлик қилишни истамайди, номардларча ташлаб қочди. Ҳозир бевафо Зайнуллина Бухоро областининг Зарафшон шахридаги магазинлардан бирида бўлим мудираси бўлиб ишлайди. Эҳтимол, у мағзини пештахтаси олдида туриб, харидорларга хонаки табассум билан муомала қилар. Лекин, билиб қўйинг, одамнинг сирти билан қўнғил доимо бирдек бўлавермас экан. Зайнуллина ана шундай «ноб» нусхалардан эканлигини ҳаммадан яшариб келатган бўлсада, эндиликда сир бўлмай қолди.

Мен яна ўша оғир дамларда қалби қўнғилдай қоп-қора Зайнуллина ташлаб қочган бир нисонга қариндошдан эиёд меҳрибонлик қўрсатган одамларни улайман. Улар ҳаётининг кўрғини, зийнати. Ана ўшлар борки, олам ишайди, ишаради.

Яхшиларга ҳаммаша таъзим!

Фотиҳ БАКИРОВ, профессор.

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

ШАХМАТ СОВЕТ ГРОССМЕЙСТЕРЛАРИ — ҒАЛАБАСИ

Нихот жаҳон биринчилигининг чорак финал мусобақаларига нуқта қўйилди. Ун учинчи учрашуви ғалаба билан якунлаган жаҳон собиқ чемпиони Тигран Петросян ҳам ярим финалга чинди.

Эсингизда бўлса керак, ўтган савдо маънасида «тонисада» шундай гротсмейстерлар ҳам борки, айниқса, маълум бўлган, «шер» бўлиб кетадилар деб, бунга Виктор Корчнойни мисол келтирган эдик. Ленинградлик гротсмейстерини ўн иккинчи партияда енгилб, ўз бошига «бало» тошларини ёлғирган бразилиялик Эрик Мекингнинг қисмати ҳақдамай тақдорланди. Бундан Атлантика океанининг бериги четига юз берди.

Лайон Портшдек зуваласи пишиқ гротсмейстерини енгилб айниқса, Тигран Петросян учун таъзимга эришди. Бу гаги учрашува қадар венгрлик шахматчи билан бўлган баҳс кўпгина Петросян учун қўнғилисиз натижа бериб келар. Тўғрроғи, Портшдекнинг «қушандаси» бўлиб қолган эди. Петросян маҳорат борасида рақиблига сира ёи бермасада, унинг олдида баъзи психологик тузилмалар енгилдир муҳим ваифа турарди.

Малорюдаги дастлабки учрашулар жараёни Петросян бу ваифини ундайла олганидан далолат бериб турди: тўқинчи уйиндан нисонасини ютди ва қолғаларини дурағ қилиб, ўзи рақибининг «қушандаси» айланди. «Халокат» яқинлигига кўзи етган Лайон Портш навбатдаги жағдада голиб чинди ва орадаги фарқни намайитрди. Ун биринчи учрашува натижасида, ҳисобни ўзгартирди.

Нафосин айна ростилаб олган «венгрлик» Венгриянинг Портшдек баъзан шундай дейишди: 12-партияда бутун куч ва маҳоратини ишга солиб, янги куч давом этган курашни ўз фойдасига тутади. Ҳисоб тегилабди — 2:2. Чорак финал ўйинларининг

бошқа ҳақ қайси бирида бундай янғидий ҳолат руъ бермаган эди. Шунинг учун ҳам мутахассислар Малорюдаги япма-япма ошншув тақдирини каромат қилишдан ўзларини тийиб туришни маълум қўрган эдиларда.

Энгилдир киши теги икки забардаст шахматчини асбоб қурашчи бўлишнинг шахмат аҳли бевоб тугурди. Бу ўйини охири совет ваифининг унутилмас ғалабаси билан якунланди: Тигран Петросян — 3:2 ҳисобида қийин ва фахрли зафар қучди.

Шундай қилиб, ролпа-роса бир ой шахмат оламини ҳалқонга солган чорак финал матчалар нисонасида етди. Совет шахмат магистрининг илгор ваифилари турта чорак финалда хоржик ҳаммасиларидан бирортасини ҳам ярим финалга йўллатдилар.

Шахмат тоғига таҳдид солиш, масаласи энди совет гротсмейстерларининг ўзаро баҳсида қала бўлади. Бошқалар томошабинларини қилаверсин. Бўлажак Спасний — Карпов ярим финал матчида сўз очган эдик. Ҳўш, Петросян — Корной олинувчи қандай ўтарни? Маълумотларга кўра, бу икки совет шахматчиси кейинги чорак аср мобайлида 40 мартача бир-бирга рўпара бўлган. Орадаги ҳисобда дегаран фарқ йўқ.

Уч йил аввалги туркум мусобақаларининг ярим финалларидан бирида нисаласи беллашган. Ҳў уграшувининг тўқинчидан дурағ бўлиб, биттаса Петросянга ғалаба келтирган эди. Апрель ойида Москвада ўтганди Карпасий — Карпов ва Петросян — Корной баҳслари нима билан тугагани ўзлари ҳам билайдилар. Ҳўзирча аниғи шунки, келгуси йили Роберт Фишер билан совет гротсмейстерлари беллашади, вассалом.

М. МУХИДИНОВ.

«Совет Ўзбекистони» шарҳловчиси.



АЙИҚ ҲАҚИДА

БОР ГАПЛАР

Руминиянинг Бистрица шахридаги овчилик ҳўжалигининг бош техникни Александр Андроп ўзининг ҳамма бўш вақтини айиқ ҳаётини ўрганишга бағишлайди. Шу мақсадда у тоғлар ва ўрмонларга қўлдан-қўл сафарлар қилиб, ҳайвонларнинг ҳаёти ва ҳаётини ҳаракатларини, қўшини ва қўш уйқусини пнхоний равишда кузатади. Андроп оқдатда ишлатмайдиган ов милтигиндан ташқари, фотоаппарат ва киноаппаратлар ҳамда илҳам магнитофон билан «муроланган».

Андроп 15 йил мобайлида ҳайвонларнинг ҳаёти ва ҳўл-аждорлари тўғрисида ҳикоя қилишчи 10 мингтадан ошнқ сурат олди ва қўлдан-қўл магнитофон ленталарини тўлдирди.

Андроп йиққан материалларни асосида монография ёзмақда.

ДАРОЗЛАР БАЛИ

Польшанинг Вроцлав шахрида нобча кишинларнинг биринчи Умумулоша бали бўлиб ўтди. Польшада энг нобча кишини топиш учун бутун мамлакат бўйлаб ўтказилган конкурс мана шу ғалати таианта билан тугади. Кони нурсини Вроцлавдаги «Венум» бшлар клуби ташкил этди.

Вроцлав воеводингидан Эугениуш Тарачинский ПХРда энг нобча киши деб топилди. Унинг бўйи 226 сантиметрга боради. Летишча шахрида истикомат қилувчи Ирена Лопесник (193 сантиметр) хотин-қизлар орасида биринчи ўрнини эгаллади.

Мамлакатнинг ҳамма ченкаларидан балга ПХРда энг нобча хотин-қиз ва эркаклардан 100 дан ошнқ киши келди.

«Узбекистон» 22, 23 ФЕВРАЛЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА СЕРВЕРДОН НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24 ФЕВРАЛЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР САҢАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

КОНЦЕРТДА: Бердақ номидаги Давлат филармониясининг ашула ва раис ансамбли; Ўзбекистон Ленин комсомол мунофотининг лауреати «Кирқиз» дуторчилар ансамбли; «Мархаба талантар» телевизион конкурсининг лауреатлари, филармония ва театрларнинг солистлари, музика билим юртининг хори қатнашадилар. Ўйдеглар кундуз соат 2 дан бошлаб сотиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРИЛИГИГА ҚАРАШЛИ

«ТАШОБЎСЛЕШҚИ» ТРЕСТИНИНГ 2-ҚУЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИГА Тошкент областининг Янги-қўла райони Халифобод посёласида «Чино» район Эрим, Ўртавул, Олмасор посёлаларида жойлашган объектлариде ишлаш учун ишчилар — 3, 5-разрядли киши теруричилар, радугорлар, слесарь-сантехниклар, сувоқчилар, бўёқчилар

КЕРАК

Елғиз кишилар Халифобод посёласида жойлашган ётоқхонадан қайтиб бориладилар. Иш ҳақи — ишбай ва аккорд-мунофотини. Иш ҳақига қўшиб ишлаганлик учун тариф ставкасининг 30 процентини ҳақига қўшимча ҳақ қўшиб тўланади.

Мурожат учун адрес: Тошкент оласть, Янгиқўла район, Халифобод посёласи («Янгиқўла» — «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» автобондида Янгиқўла районида «Халифобод» бекатига бориладилар).

Л. Леон мана шу маънашэ натижасида Парижга эмас, Швейцария судига тушди. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БҲҲҲҲ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — МУЛТИФИЛЬМ. 18.15 — «Қизил галстук». 18.45 — Чили — озадин кун келди (Москва). 19.10 — «Прогресс» программаси. 19.40 — «Ахборот», 19.55 — Миланлар ленинча университети. 20.10 — Адабий театр. 20.40 — «Ахборот», 21.00 — Сават ходимлари учун программа. 22.00 — «Вакт». 22.30 — Хоней; «ДИНАМО» (Москва). «СПАРТАК» (Москва). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ҳўв кўрсатувлари. 12.00 — Вадий фильм. 12.25 — Ҳўв кўрсатувлари. 18.00 — МОСКВА. 18.45 — Ҳўжастали фильмлар экрани (Тошкент). 19.10 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Инов ва кино. 22.40 — Халоскорини (Балтий фильмнинг 1-серии). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгилашган. 19.15 — Ҳўжастали фильм. 19.30 — Ҳўв кўрсатуви. 20.10 — Вадий фильм. 20.40 — Унинг яшашдан мақсади (бадший фильм).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/П да «Богчасарой фонтани».

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/П да Мирзо Улугбек, 21/П да Аямқилари.

МУЗЕИМ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЕИДА ТЕАТРИДА — 20/П да Умарлар, 21/П да Фарғона тоғи оғути.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/П да Ташвишланма, онамон, 21/П да Алғов-далғов.

КИНО

Темир чинқоб — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ». САҢАТ САРОНИ, «ЧАНКА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечурун).

Булутлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечурун).

Сеним, ишмай тур! (мультифильмлар тўплами) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Енгил ёғди, илзар ювди — «КҲҚА» (кундуз ва кечурун).

Эрмадан миллион йил илгари — НАВОНИ номли (кундуз ва кечурун).

Чемпион — «МНР» (кундуз ва кечурун).

Қора лола — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечурун).

Ютказилган ўйин — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечурун).

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИНАТИГА! МАРКАЗИ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 24 ФЕВРАЛЬ КУНДУЗ СОАТ 3 ЯРИМДА

ШВЕЦИЯ — СССР-1 Командаларнинг учрашуви билан

ФУТБОЛ БҲҲҲҲ IV ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ.

ТУРНИРДА — СССР-1, СССР-2, Ўзбекистон, ГФР, Швеция, Финляндия, ГДР ва Польша командалари қатнашадилар. Билетлар сотиломқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявлардан қабул қилинмоқ